

## Фикр дурдоналари (5-қисм)

05:00 / 07.03.2017 4299

**21.** Шайх Муҳаммад Ротиб Набулсий дедилар: “Мўмин ажали яқинлашганда ҳаётининг энг бахтли лаҳзасида бўлади. Чунки, у бу пайтда барча ибодатларининг мевасини йиғиб-териб олади”.

**22.** Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан қуйидаги гап ривоят қилинган: “Яхши қўшничлик озор беришдан тийилиш эмас, балки, яхши қўшничлик озорга сабр қилишдир”.

**23.** Эй Аллоҳ! Сенга беадад ҳамду саноларимиз бўлсин! Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга беадад дурудунинг саловотларимиз ва саломларимиз бўлсин!

Эй Аллоҳ! Бизни Рамазон ойининг Қадр кечасида, масжидда ибодат қилиб турган ҳолимизда вафот эттиргин!

Эй Аллоҳ! Тирикликдаги ва ўлим пайтидаги фитналардан асрагин!

Эй Аллоҳ! Ҳузурингга иймон билан боришимизни насиб этгин!

Эй Аллоҳ! Бизни, ота-онамизни, оила аъзоларимизни, қариндошларимизни, дўстларимизни, қўни-қўшнилариимизни, қуда-андаларимизни ва биздан олдин иймон билан ўтган барча мўмин-мусулмонларни мағфират қилгин!

Эй Аллоҳ! Қалбларимизни нифоқдан, амалларимизни риёдан, тилларимизни ёлғондан ва кўзларимизни хиёнатдан (ҳаромга, номаҳрамга қарашдан) поклагин! Зеро, Сен кўзлар хиёнатини ва қалблар яширган нарсаларни Билувчи Зотсан!

Эй Аллоҳ! Бу дунёда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларини кўриш бизга насиб этмади. Охиратда, Жаннатда у зот алайҳиссаломнинг нурли юзларига боқиш, гўзал суҳбатларини тинглашни барчамизга насиб этгин!

Эй Аллоҳ! Бизни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам соғинган, кўргилари келган садоқатли умматларидан бўлишимизни насиб этиб, суннатларига амалимизни пишиқ-пухта қилгин!

Эй Аллоҳ! Қалбимизда Ўзингнинг муҳаббатингдан бошқа муҳаббатга жой қолдирмагин!

Эй Аллоҳ! Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга, у кишининг аҳли байтларига, азвожи мутаҳҳаротларига, барча саҳобаларига чексиз саловот ва саломингни юборгин!

**24.** У Зот сизга мол беради. Кейин ўша молдан садақа қилишга сизни илҳомлантиради. Кейин ўша садақани оладиган фақирни сизга рўбарў қилади. Кейин ўша садақани сиздан қабул қилади.

Кейин ўша садақа сабабли қолган молингизга барака беради.

Эй Роббим! Нақадар Карамлисан!

**25.** Юсуф алайҳиссаломни ўлдирмоқчи бўлдилар. У киши ўлмадилар. Қул бўлсин деган мақсадда сотдилар. У киши подшоҳга айландилар. Бас, шундай экан, инсонларнинг макрларидан ва тадбирларидан безовта бўлиб, маҳзун бўлма! Чунки, Аллоҳнинг иродаси ҳамманинг иродасидан устундир!

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**